ЎзССР Давлат китоб палатаси
-30295

Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

# Халқ сўзи

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг газетаси

3 феврвль, жума, 1995 йил
Сотувда эркин нархда. № 25 (1027)

## ПРЕЗИДЕНТ ҲУЗУРИДА ҚАБУЛ

***2 февраль куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Корея Республикасининг мамлакатимиздаги фавқулодда ва мухтор элчиси Се Гён Ини қабул қилди.***

Ислом Каримов Ўзбекистон билан Корея Республикаси ўртасидаги дўстона муносабатларга тўхталар экан, мамлакатларимизнинг иқтисодий, сиёсий ва бошқа соҳалардаги ҳамкорлиги тобора ривожланиб бораётганини таъкидлади. Кореянинг «ДЭУ», «Самсунг» каби йирик фирмалари билан самарали ҳамкорлик икки мамлакат алоқаларининг мустаҳкамланишига хизмат қилаётганини айтди.

Се Гён И самимий қабул учун миннатдорлик изҳор этиб, кореялик ишбилармонлар Ўзбекистонга катта қизиқиш билдираётганини қайд этди. У мамлакатларимиз ўртасидаги алоқалар бундан буён ҳам мустаҳкамланиб боради, деб умид билдирди.

Суҳбат чоғида Ўзбекистон билан Корея ўртасидаги ҳамкорликни янада ривожлантириш билан боғлиқ масалалар юзасидан фикрлашиб олинди.

Қабул маросимида Ўзбекистон Республикаси ташқи ишлар вазири А. Комилов иштирок этди.

**(ЎзА).**



**СУРАТДА:** қабул пайти.

**Р. ШАГАЕВ** олган сурат (ЎзА).

## ТОШКЕНТ МАКТАБИДА — УКРАИНА КОМПЬЮТЕРЛАРИ

**Тошкентдаги 110-мактабда хусусий электрон-ҳисоблаш машиналарининг янги туркуми билан жиҳозланган компьютер синфхонаси пайдо бўлди. Киевдаги «Электронмаш» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси мутахассислари бу мактаб ўқувчиларига қиймати деярли 9 минг АҚШ долларига тенг келадиган совға юбордилар.**

Бу тадбир Украина мутахассислари билан Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги ўртасида ҳамкорликни бошлаб берди. Биргаликдаги фаолият тўғрисида муддаолар протоколи имзоланди. Унда Ўзбекистон томонидан Халқ таълими вазирлигининг «Илм» ўқув-ишлаб чиқариш концерни ва «Ўзбекўқувавтоматика» республика ихтисослашган ўқув-ишлаб чиқариш бирлашмаси иштирок этади. Режаларда яқин вақт ичида қўшма корхона барпо этиш кўзда тутилган. Бу корхона республикамиз мактаблари учун замонавий ўқув-ҳисоблаш комплексларини етказиб бериш, йиғиш ва созлаш билан шуғулланади. Киевлик мутахассислар ходимларни ўқитишни, шунингдек компьютер дастурлари билан таъминлашни зиммаларига оладилар.

110-мактабда компьютер синфхонасининг очилиши Киевдаги «Электронмаш» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси маҳсулотлари билан ўзига хос равишдаги таништириш маросимига айланди. Бу маҳсулотлар билан танишиш учун республиканинг кўпгина вилоятларидан халқ таълими органларининг вакиллари таклиф этилди. Хусусий ЭҲМ билан жиҳозланган янги синфхонани очиш маросимида Ўзбекистон халқ таълими вазири Ж. Йўлдошев, Украинанинг республикамиздаги фавқулодда ва мухтор элчиси В. Сметанин, шунингдек «Электронмаш» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси бош директорининг ўринбосари А. Ярмош бошчилигидаги Украина микроЭҲМ конструкторлари ва созловчилари гуруҳи иштирок этди.

**(ЎзА).**

*ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ*

## РЕСПУБЛИКАДА САВДОНИ ЭРКИНЛАШТИРИШНИ ТАЪМИНЛАШ ТЎҒРИСИДА

Вазирлар Маҳкамасининг «Республикада савдони эркинлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 1994 йил 14 декабрдаги 604-сон қарори билан товарларнинг, шу жумладан озиқ-овқат товарларининг нархлари эркинлаштирилишини тугаллаш ва 1995 йил 1 январдан бошлаб тўлиқ эркинлаштиришни таъминлаш назарда тутилган эди.

Шу билан бирга аҳолини энг зарур товарлар билан таъминлашда узилишларга йўл қўймаслик ва савдо ходимлари томонидан суиистеъмол қилишларнинг олдини олиш мақсадида кундалик эҳтиёж товарларининг савдода эркин нархлар бўйича мавжуд бўлиши ва сотилиши учун шахсий жавобгарлик вилоятлар, шаҳарлар ва туманларнинг биринчи раҳбарлари ва Бош вазирнинг ўринбосари М. Усмонов зиммасига юкланган эди.

Вазирлар Маҳкамаси қайд этадики, мазкур қарор бажарилишини таъминлаш, аҳоли таъминотида қатъий тартиб ўрнатиш, қишга зарур озиқ-овқат заҳиралари тўплаш ўрнига вилоятлар, шаҳарлар ва туманларнинг айрим раҳбарлари савдо корхоналарининг раҳбарлари билан биргаликда товарларни белгилаб қўйилган шаклларда сотишга қайтишга қаратилган қарорлар қабул қилмоқдалар ва бу билан жойларда аҳолига хизмат кўрсатишнинг бозор шаклларига ўтишни тушунмасликларини, баъзан эса хоҳламасликларини яна бир бор кўрсатмоқдалар.

Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

1. Вилоятлар, шаҳарлар ва туманлар ҳокимлари манфаатдор ташкилотлар иштирокида жойларда зарур текширишлар ўтказсинлар ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг «Республикада савдони эркинлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 1994 йил 14 декабрдаги 604-сон қарори сўзсиз бажарилишини таъминласинлар.

2. Вилоятлар, шаҳарлар ва туманлар ҳокимлари кўрсатиб ўтилган қарорнинг товарлар нархлари тўлиқ эркинлаштирилишини таъминлаш юзасидан сўзсиз бажарилиши учун шахсан жавобгар эканликлари ҳақида огоҳлантирилсинлар, айбдорлар эса жавобгарликка тортилиб, эгаллаб турган лавозимларидан бўшатилиши назарда тутилсин.

3. Бош вазир А. Муталов, Бош вазирнинг ўринбосари М. Усмонов савдода бозор нормаларига риоя қилиш ва аҳолига хизмат кўрсатиш бўйича зарур чораларни кўрсинлар ҳамда қабул қилинган қонунлар ва норматив ҳужжатларнинг бажарилиши учун жавобгарликни оширсинлар.

4. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А. Муталов зиммасига юклансин.

**Вазирлар Маҳкамасининг Раиси**
**И. КАРИМОВ.**

Тошкент шаҳри,
1995 йил 2 февраль

## «ВАТАНПАРВАР» ТАШКИЛОТИДА УЧРАШУВ

***«Ватанпарвар» — Ўзбекистон мудофаага кўмаклашиш ташкилотининг марказий кенгашида шу жамоат ташкилоти раҳбарларининг республика оммавий ахборот воситалари вакиллари билан учрашуви бўлди. Учрашув ёшларни ҳарбий ватанпарварлик руҳида тарбиялаш ва уларни ҳарбий хизматга тайёрлаш масалаларига бағишланди.***

Мудофаага кўмаклашиш ташкилоти (МКТ) марказий кенгашининг раиси генерал-майор Ж. Шоҳмардонов тўпланганларга бу ташкилотнинг мақсад ва вазифалари тўғрисида сўзлаб берди. У «Ватанпарвар» ташкилоти меҳнаткашларни, айниқса ёш авлодни меҳнатга ва Ватан ҳимоясига тайёрлаш ишига катта ҳисса қўшаётганини таъкидлади. Бу ерда ҳар йили республика халқ хўжалиги учун 30 та мутахассислик бўйича 70 мингга яқин техника соҳаси мутахассислари, шу жумладан шоферлар, тракторчилар, алоқачилар ва бошқа касб эгалари тайёрланмоқда.

Учрашувда 1941-1945 йиллардаги урушда фашизм устидан қозонилган Ғалабанинг 50 йиллигига тайёргарлик кўриш ва уни нишонлаш масалалари ҳам тилга олинди. Йиғилганлар МКТнинг бу шонли санани байрам қилишга доир кенг қамровли режалари билан танишдилар.

Ж. Шоҳмардонов журналистларнинг кўплаб саволларига жавоб қайтарди. Учрашув қатнашчилари «Ватанпарвар» ташкилотларида фойдаланиладиган ўқув-спорт техникаси кўргазмасини ҳам томоша қилишди.

**(ЎзА).**

*• Ҳамкорлик*

## «ЭКЗЕТ» ФАОЛИЯТ БОШЛАДИ

**Иорданиянинг ушбу фирмаси юртимизга энг замонавий уй жиҳозлари келтириб беради**

***«Ўзбекистон» меҳмонхонасининг тантанали йиғинлар ўтказиладиган бўлмасида Иорданиянинг «Экзет» фирмасини таништириш тадбири ўтказилди. Унга республикамизнинг турли вазирликлари, концернлари, йирик корхоналари, бирлашмалари, чет мамлакатларнинг Тошкентдаги элчихоналарининг вакиллари таклиф қилинди.***

— Фирмамиз, — деди йиғинни очган фирма президенти жаноб Марван Двеък, — халқаро миқёсда фаолият юритади. Биз, асосан, ўзбекистонликларни турли-туман уй жиҳозлари (мебель, жавон) ва бошқа саноат моллари билан таъминлаймиз. Шу мақсадда Тошкентдагина эмас, балки Самарқанд, Бухоро ва Хива шаҳарларида ҳам фирмамизнинг бўлимларини очмоқчимиз. Хивада терини қайта ишлаш заводини ишга тушириш ниятидамиз. Ўзбекистондаги барқарор вазият биз, чет эллик ишбилармонларга кенг миқёсда фаолият юритишга катта имконият беради...

Йиғилишда сўз олган «Шарқ» концернининг бош директори Ислом Шоғуломов, республика сув хўжалиги вазирининг биринчи муовини Неъмат Ортиқов, Ўзбекистон енгил саноат ассоциацияси раисининг муовини Абдуманнон Каримов, шоир ва адиблардан Нормурод Нарзуллаев, Ҳожиакбар Шайхов, Ўзбекистон телерадиокомпанияси диктори Раъно Жўраева ҳозирги иқтисодий ислоҳотлар даврида «Экзет» каби халқимизни енгил саноат моллари билан таъминловчи фирмаларнинг фаолият бошлаши қувончли воқеа эканини, республикамиз раҳбарияти чет эллик ишбилармонларга ҳамма шароитларни яратиб беражакларини алоҳида таъкидлашди.

**Б. КОСОНОВ.**

*• Андижон: мустақиллик иншоотлари*

## «КОРЕЯДА ЎҚИБ КЕЛГАН ЎЗБЕК ЙИГИТЛАРИ ОЁҚ-ҚЎЛИМИЗ БЎЛИБ ҚОЛДИ»

***Асакадаги «ЎзДЭУавто» қўшма корхонасидаги ишлар қизғин паллага кирди: дастгоҳларни ўрнатиш бошланди, турли қисмлар жадал пайванд қилинмоқда. Очиғини айтиш керак, ўтган йил кузакда юртбошимизнинг бу ерга ташриф буюришлари ишчи-хизматчилар ғайратига-ғайрат қўшди, уларнинг эзгулик ишларига қанот бағишлади.***

Биз бўлажак «Тико», «Дамас», «Рейсер» автомашиналари ишлаб чиқариладиган участкаларни айланиб, пресслаш цехига кирдик. Бу ерда бизни кореялик мутахассислар гуруҳига раҳбарлик қилаётган жаноб Ким Хен Хо табассум билан кутиб олди.

— Корхонадаги ишлар янада жадаллашди, — деди у. — Кореяда ўқиб келган ўзбек йигитлари оёқ-қўлимиз бўлиб қолди. Улар кўпгина ишларни мустақил, сидқидилдан бажаришаётир. Иш шу зайлда кетаверса, яқин орада «ЎзДЭУавто» қад ростлаб, дунёни лол этажак. Муҳими — у юртингизнинг шуҳратига-шуҳрат, бойлигига-бойлик қўшади. Қолаверса, Андижондай аҳоли энг зич жойлашган вилоятда минглаб йигит-қизлар иш билан таъминланади. Ана шундай қувончли кунлар шодиёнасига кўп эмас, 60 ҳафтача вақт қолди.

### «ЖИЛОВЛАНГАН» «ГИДРОЛИЗ»

***Шаҳарнинг қоқ марказидаги «Гидролиз» заводи ҳақида эшитгансиз. Собиқ Иттифоқ даврида унинг қувурларидан чиқадиган қўланса тутун шаҳар экологиясини бузибгина қолмасдан, аҳоли саломатлигига зарар қиларди. Мустақиллик туфайли, ниҳоят, унинг негизида кор-ҳолимизга ярайдиган, халқ хўжалиги, жумладан, табобат учун муҳим аҳамиятга эга «Биокимё» заводи ташкил этилди.***

— Бу ёғини сўрасангиз, — дейди корхона ишчиси Вера Шчеголева ўша кунларни хотирлаб, — куйинди ҳиди ичида, ғоят иссиқ хоналарда терлаб-пишиб ишласак-да, оддий шароит ҳам яратиб берилмаган эди. Ҳайриятки, заводнинг ишлаб чиқариш йўналиши ўзгартирилгач, иш шароитимиз яхшиланди. Энди оқ халат кийиб, озода жойда меҳнат қилаяпмиз, моддий манфаатдорлик ҳам жойида.

Корхона билан танишамиз. Авваллари бу ерда минг-минглаб тонна шелуха куйиндига айлантириларди. Демак, чорва моллари шунча миқдордаги озуқадан маҳрум бўларди. Эндиликда янги корхона йилига бир миллион тонна этил спирти ишлаб чиқариш имконига эга бўлди. Келгусида ички имкониятларни ишга солиш, қўшимча цехлар қуриш ҳисобига маҳсулот тайёрлаш ҳажми икки ҳисса ортади.

### ШВЕЙЦАРИЯДАН КЕЛТИРИЛГАН «РИГЕРЛАР»

***Эзгу ишлар, янгиликка интилиш эртанги ёруғ кунларимизга етаклайди. Заҳириддин Муҳаммад Бобур номидаги Андижон ип-газлама ишлаб чиқариш бирлашмаси меҳнат жамоаси ҳам ана шундай кўтаринки руҳда меҳнат қилаётир. Маъмурият эса бозор иқтисодиёти талабларидан келиб чиқиб, ускуналар ва технологияларни янгилашга алоҳида эътибор қаратмоқда.***

Хусусан, бирлашманинг ип-йигирув фабрикасида Швейцариянинг «Ригер» фирмасидан янги дастгоҳлар олиб келиб ўрнатилди. Айни кунларда иккита линия ишга туширилди. Янгиликнинг афзаллиги шундаки, муқаддам дағал матолар ёки унча юпқа бўлмаган газламаларга ярайдиган ип олинган бўлса, ҳозир 65 ва 80-номерли калава ип чиқарилаётир. Бир йилда оз эмас, 2900 тонна шундай хомашё тайёрланади. Жаҳон бозорида бунга, албатта, талаб катта.

2-тўқув фабрикасида эса Новосибирскнинг «Сибтекстильмаш» ҳамда Швейцариянинг «Зулюцер-Рюлти» фирмаларидан келтирилган 40 та тўқув машинаси ишлаб турибди. Уларда нафис, гўзал матолар тўқилаётир. Келгусида «Сибтекстильмаш»дан яна 850 та дастгоҳ келтирилади. Бу дегани — ҳозир 32 миллион погон метр сурп тўқилаётган бўлса, ана шу кўрсаткич 50 миллион погон метрга етказилади.

Бирлашманинг тиниб-тинчимас тадбиркорлари ишлаб чиқаришни ривожлантириш билан бирга, имкони борича ишчи-хизматчиларнинг моддий манфаатдорлигини ошириш, беморлар, шароити оғир оилаларга ёрдам бериш, уларнинг аҳволидан тез-тез хабар олиб туриш юзасидан ҳам қатор тадбирларни амалга оширмоқдалар. Бу ўз самарасини бераётир.

**Фозилжон ШОДМОНАЛИЕВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

ЯНГИЛИКЛАР * ФАКТЛАР * ВОҚЕАЛАР

## ЎЗБЕКИСТОН: ИСТИҚЛОЛ ОДИМЛАРИ

"Халқ сўзи" ва ЎзА мухбирлари хабар қиладилар

### ХАСТАЛИК БУТУНЛАЙ ЙЎҚОЛАДИ

***Республика ихтисослашган аллергология илмий марказида нафас қисиш касалига учраган беморларда аллергияни даволашнинг самарали усули ишлаб чиқилди.***

Бу усул жаҳон амалиётида биринчи бор қўлланилмоқда. Шифохонадаги кузатишлар шуни кўрсатдики, илгари бундай касалликларни даволашда қўлланилмаган ацетилхолин бемор жисмига маълум миқдорда юборилса, бемор тезда тузалади, хасталик белгилари бутунлай йўқолиб кетади. Мутахассислар илмий марказ таклиф этган усулга юқори баҳо бердилар.

### МАЛАКАЛИЛАР САРАЛАБ ОЛИНДИ



**Гулистон шаҳар туғуруқхонаси замонавий ускуналар билан жиҳозланган бинога кўчиб ўтди. У 220 ўринга мўлжалланган. Чақалоқлару оналарга ташхис қўйиш, даволаш бўлимларида малакали мутахассислар ишлашаяпти.**

**Суратда: ҳамшира Г. Ғоипова.**

### БОЛА БОШИДАН...

***Тошкентдаги 112-умумий таълим мактабида тажриба тариқасида экология йўналишида таълим бериладиган учта синф очилди.***

Ўқувчилар мактабни битиргач, шаҳодатнома билан бирга химик, биолог, эколог, токсиколог, лаборант малакасини эгаллагани тўғрисида гувоҳнома олади.

### ҲАМКОРЛИКДА ГАП КЎП

***Фарғона вилояти деҳқонлари қишлоқ хўжалигини комплекс ривожлантириш мақсадида Исроилнинг «Нетефим-эвнав» компанияси билан кенг ҳамкорлик қилишаяпти.***

Шартномага кўра Бешариқ ҳамда Учкўприк туманларида боғ ва токзорларни томчилатиб суғориш иншоотлари, Охунбобоев, Боғдод, Бешариқ, Учкўприк, Фарғона ва Ёзёвон туманларида эса кичик сут заводлари қуриладиган бўлди. Шунингдек, сут маҳсулотларини қуйиш учун бир марта ишлатиладиган пластик идишлар ишлаб чиқаришга ҳам келишиб олинди.

### ОНА ИЗИДАН



**Мавжудахон ўрта мактабни тамомлагач, ҳеч иккиланмай онаси, хўжалик сут-товар фермасининг соғувчиси Обидахон Абдураҳмонованинг ёнига кириб ишлай бошлади.**

**Дадаси Тоҳиржон ака ҳам хўжалик аъзоси, тажрибали тракторчилардан. Яқинда хўжалик бошқаруви бу оиланинг кўп болалилигини эътиборга олиб янги уй берди.**

**Суратда: Марҳамат туманидаги Охунбобоев номли жамоа хўжалиги соғувчиси Мавжудахон Абдураҳмонова.**

### НУКУС ЯНАДА ЧИРОЙ ОЧАДИ

***Қорақалпоғистон пойтахтида «Нукусни ободонлаштириш» бошқармаси тузилди.***

У шаҳарни кўкаламзорлаштириш ва таъмирлаш ишлари билан шуғулланади. Жорий йилда бошқарма ўндан зиёд хиёбон ва кўчаларни тузатади. 20 километрдан ортиқ йўлни асфальтлаштиришни режалаштирмоқда.

ЯНГИЛИКЛАР * ФАКТЛАР * ВОҚЕАЛАР

• *«Халқ сўзи» бонг уради*

# КАРВОННИ ОРТГА ТОРТГАНЛАР

***БУЛТУР Сурхондарё пахтакорлари йиллик режани 90 кунда бажарди. Аммо Жарқўрғон, Қумқўрғон, Музработ, Қизириқ, Бандихон туманларида уддаланилмай қолди. Даромаднинг асосий қисми пахтачиликдан келиши ҳисобга олинса, бу йўқотишнинг кўлами ўз-ўзидан аён...***

ЖАРҚЎРҒОНЛИКЛАР тўқсон учинчи йил ҳам пахтани олдинги йилдагидан 5361 тонна камайтириб, режани уддалай олмаган эдилар. Ваҳоланки, вилоят ўшанда олдинги йилдагидан қарийб 21 минг тонна кўп пахта етиштирганди. Баҳорда туманга янги ҳоким тайинланди. Аммо пахтакорлар бултур ҳам ер чизиб қолдилар. Нега?

— Мен ҳозир мингта баҳона кўрсатишим мумкин, — дейди туман ҳокими Н. Турдиев. — Аммо ҳаммасини жамлаб, битта сўз билан айтаман: яхши ишлай олмадик! Лекин бу таъриф ҳаммага тааллуқли эмас. Масалан, сурхонликлар режадагидан 1000 тонна кўп ҳосил етиштирдилар. «Бўстон», «Халқобод», Т. Шобуров номли, «Оққўрғон» жамоа хўжаликларида ҳам режалар ортиғи билан бажарилди. Бешта хўжалик ҳисобига режа барбод бўлди. Улар тайёрланган толанинг ўттиз уч фоизини эркин нархларда сотиш учун... ололмайдилар — ана шуниси ёмон.

Бултур қумқўрғонликлар ҳам ер чизиб қолишди. Ваҳоланки, бу туманда тўқсон учинчи йилда режага нисбатан 2775 тонна, олдинги йилдагидан эса 4216 тонна кўп пахта етиштирилган эди. Бултур эса кўрсаткич 95 фоиз бўлиб қолди. «Қумқўрғон» ва Ш. Мирзаев номли жамоа хўжаликларида эришилган натижа 64-71 фоизни ташкил этди. Ана шу икки хўжалик ҳисобига...

Ҳокимнинг айтишича, бу хўжаликларда режани қоплайдиган ҳосил бўлган, аммо иш яхши ташкил қилинмаган.

Чорвачилик маҳсулотлари етиштириш ҳам йил сайин камайиб бораётир. Ҳар сигирдан 1703 килодан сут соғиб олинди. «Ўзбекистон», «Беш қаҳрамон», С. Бойматов номли жамоа хўжаликларида эса бундан ҳам кам.

Қишлов ғоят оғир кечмоқда. Бултур январнинг ўн тўққиз кунида давлатга 188 тонна сут сотган эдилар, бу йил эса 94 тонна бўлиб қолди. Ширали озуқанинг танқислигидан сигирларнинг сути камайиб кетган. Масалан, С. Бойматов номли жамоа хўжалигида ҳар сигирдан 2,1 литрдан сут соғиб олинаётир. Туман бўйича эса бу кўрсаткич 3 литрдан ошмайди.

Ҳокимнинг деҳқон-фермер хўжаликларидан кўнгли тўқ эмас. Уларга 832 гектар ер берилган, қўлларида 889 бош қорамол, 1434 та ушоқ мол, 21 та трактор, 4 та автомашина, 17 та тележка бор. Шунча имконият бўла туриб, улар 17 тонна сут, 148 тонна гўшт етиштирдилар. Ваҳоланки, ижарачилардан умид катта эди.

Бандихон тумани ихчамгина — 11 минг гектар экин майдони, 27 минг аҳолиси бор. Улар тўқсон учинчи йили қоғоздагина режани бажариш усулини тажриба қилиб кўришган эди-бўлмади, билиб қолишди. Бултур ҳам режанинг уддаланишига 607 тонна пахта етмай қолди. Ваҳоланки, Абдушукур Қодиров раислик қилаётган «Пахтакор» жамоа хўжалигида ҳосилдорлик 35 центнерга етди. Бор-йўғи «Тошкент», «Ғафур Ғулом» жамоа хўжаликларида режа бажарилди, холос.

— Биз бултур ўттиз биринчи март куни Ангордаги чигит экишга бағишланган кўргазмали машғулотдан чиқиб, бу ерга ташкилий сессия ўтказиш учун келганимизда, йўл бўйидаги кўплаб далалар ҳали шудгорланмаган эди, — дейди туман ҳокими Хуррам Йўлдошев. — Апрелда ер ҳайдадик...

Ишонарли манбалардан олинган маълумотларга қараганда, ҳатто ғалла экиш ҳам баҳорга ўтиб кетган ва шунинг учун бандихонликлар суғориладиган, озиқлантириладиган майдонларнинг ҳар гектаридан 21,3 центнердан дон олишди. Ғафур Ғулом номли, «Дўстлик», «Хўжаипак» жамоа хўжаликларида режани бажармасак бўлмайди деб, ҳатто уруғлик ғаллани ҳам давлатга топшириб юборишди ва сўнгра ишонч қоғози билан дон маҳсулотлари идорасининг омборида турган ғаллани қайтариб олишди.

«Хўжаипак» жамоа хўжалигида бултур қандай қилиб... ҳар гектар суғориладиган майдондан ЎН ЦЕНТНЕРдан ҳосил олинганлигини бир тадқиқ қилмоқчи ҳам бўлдим. Чунки, бу мумкин эмас-ер хиёнат қилмайди! Бошоқдаги доннинг омборга кирмаганлиги учун эса... далил сўрашади.

Бу йил 3890 гектар ерга ғалла экилган. Аммо биз кўрган далалар ўз ҳолича ётипти, майса ерни ёпгани йўқ, сийрак. Ваҳоланки, Сариосиёнинг ғалласи кўрпа бўлиб қолди.

Сиз биласизми-йўқми, Бандихоннинг ерёнғоғи тугамагунча, бошқа жойларнинг ерёнғоғи ўтмайди. Чунки, Бандихоннинг тупроғи соз. Энди мана бу ахборотни эшитинг: Ойбек номли жамоа хўжалигида 5 гектар майдонга ерёнғоқ экилган эди. Мавсум охирига бориб у ердан бир тонна ерёнғоқ олинди!

Мен бу маълумотни расмий ҳужжатлардан олдим ва ундан ҳокимнинг ҳам, бошқа раҳбарларнинг ҳам хабари бор, аммо ҳамма жим... Ана шунинг учун ҳам туман бўйича 30 гектар майдондан 17,5 тонна ерёнғоқ олишди. Деновда эса бунча жойдан 60 тоннадан ошириб ҳосил олишади. Ана энди ҳисобини ўзингиз чиқариб олаверинг.

Бандихон — тоғларга туташиб кетган туман. Шундоқ бўлса ҳам бултур гўшт тайёрлаш олдинги йилдагидан 195 тоннага камайди, сут — 339 тоннага! Ваҳоланки, истеъмолчиларнинг эҳтиёжи ортиб бораяпти. Бир йилда ҳар бир сигирнинг сути 310 килога озайди.

Туманда чорвачилик маҳсулотлари етиштиришга ихтисослашган 33 та фермер хўжалиги бор. Улар бултур 27,6 тонна сут, 28,7 тонна гўшт етиштиришди. Мавжуд 147 та сигир ўртача 188 килодан сут берди. Тумандаги тилга тушган «Холмўминобод» фермер хўжалигида саккизта сигирнинг ҳар қайсисидан 650 килодан сут соғиб олинди. 13 гектар ерга эга бўлган «Бойтўра» фермер хўжалигида эса ўнта сигирдан 4,9 тонна сут соғиб олишди. Демак, ҳар бир сигирнинг маҳсулдорлиги 500 литрга етмаяпти. Бу иккови намунали хўжалик ҳисобланади. Энди... «Гулбулоқ» деган фермер хўжалигининг 33 та қорамоли бор, шунинг 15 таси сигир. Бултур у давлатга 600 кило сут, 1,9 тонна гўшт сотди. Шундай қилиб, бу «азамат» фермер ҳар сигирдан 40 килодан сут соғиб олди.

Қизириқ тумани пахтакорлари ҳам бултур бурноғи йил кўрсаткичидан нарига ўтолмадилар-режа 96 фоиз бўлиб қолди.

Туманнинг тўртта хўжалигида пахта экилади. «Гиламбоп» жамоа хўжалигида ҳосилдорлик 30,9 центнерга етса-да, йиллик режа 96 фоиз бўлиб қолди. «Гиламбоп» билан Охунбобоев номли жамоа хўжаликларида йиллик режанинг бажарилмаганлиги ёмон бўлди, улар 60-70 миллион сўм пулдан ажраб қолишди. Демак, пахтакорларнинг даромадига путур етади ва ҳоказо...

Табиийки, бу ерда ҳам «Туманда нега йиллик режа барбод бўлди?» деган саволга жавоб изладик. Ваколатли раҳбарларнинг ишонтиришича, далаларда режани қоплайдиган миқдорда ҳосил бўлган. Аммо териб улгурилмаган.

Бултур қизириқликлар ғалладан 24 центердан ҳосил олишди. Бу жуда кам! Бу йил 8320 гектарга ғалла экилган, аммо аҳволи яхши эмас.

Бу туманда ҳам шиддат билан орқага кетилаяпти: бир йилда гўшт етиштириш 433 тоннага камайди, сут — 1100 тоннага. Ҳар сигирнинг бир йилда 521 кило сут берганлигини ҳеч нарса билан изоҳлаб бўлмайди. Чунки, бир йилда 320 бузоқ... йўқолди! (Олдинги йилдагидан кам!) «Истара» жамоа хўжалигида сигирларнинг маҳсулдорлиги 1434 килога тушиб қолди. Чунки, озуқа экинларининг ҳосилдорлиги муроса қилиб бўлмас даражада паст. Бедапояларга эса октябрнинг охирида мол қўйиб юборилди.

Музработ тумани пахтакорлари бултур вилоятда охирги ўринни ҳеч кимга беришмади. Бурноғи йили улар 51 минг тонна пахта етиштирган эдилар, бултур 44,8 минг тонна бўлиб қолди. Худди бошқа жойда бўлгани сингари бу ерда ҳам ғайрат қилиб ишлаганлар яхши натижаларга эришди. Аммо Р. Бўриев номли жамоа хўжалигида йиллик режа 52 фоизда қолиб кетди. Ваҳоланки, даладаги ҳосил бундан кўп эди!

Айтмоқчи, бу туманда ҳам янги ҳоким ишлаяпти. Абдимурод Лапасов туманга ҳоким бўлиб ўтганда ғалла мавсуми охирлаб қолган эди. Шунинг учун ғалла тайёрлаш режасининг 54 фоизда қолиб кетганлигини афсус билан таъкидлаймиз, холос. Бу туманда бултур бурноғи йилга нисбатан 64 фоиз миқдорида ғалла етиштирилганлигини айтсак, аҳвол ўзингизга аён бўлади. Сабзоват, полиз маҳсулотлари тайёрлаш ҳам бир йилда тенг яримга қисқарди. Мева олдинги йилга нисбатан 23 фоиз бўлиб қолди.

Беш туманни айланиб, кўпдан-кўп одамлар билан гурунглашиб, бир нарсага иқрор бўлдик: ерни ижарага бериш керак. Аммо бу йўлга мустаҳкам тўғонлар қўйилган, ҳамма жойда хусусийлаштиришнинг зарари ҳақида шу даражада ҳафсала ва ғайрат билан сўзлашдики... Давлат мулкини талон-торож қилиш, ўғирлаш осон. Мулк эгасини топгач, ичкарига қадам босиб кўринг-чи!

Мулоҳазаларни бас қилиб, битта тафсилотни айтайин: Жарқўрғон туманидаги Ҳамид Олимжон номли жамоа хўжалигининг раиси Хуррам Боймуродовнинг шу амалини эгаллаганига 21 йил бўлди. Яқинда у ўз қўли билан жамоа хўжалигини ... тарқатиб юборди, яъни хўжалик ширкатлар уюшмасига айлантирилди. Ҳозир бу ерда 59 та деҳқончилик-фермер хўжаликлари фаолият кўрсатмоқда.

— Бекор қипсиз-да, — дейман Хуррам акага.

— Шундан бўлак йўл йўқ, - дейди раис бепарво. — Мен кўп ўйладим. Ерлар бугун бўлмаса, эртага эгасини топади. Бўладиган ишни орқага чўзиб нима қиламиз...

**Тожиддин РАЗЗОҚ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**



Толлимаржон ГРЭСида 160 та мураккаб блоклардан иборат пар қозонни монтаж қилиш ниҳоясига етди. У корхонанинг биринчи трубоагрегатига хизмат қилади. ГРЭС яқинида эса Нуристон посёлкаси қад ростлаяпти. Ҳозир барча қулайликлари бўлган шинам уйларда ўн мингдан зиёд нурчилар ва уларнинг оилалари яшамоқда. 1560 ўқувчига мўлжалланган мактаб, поликлиника, 2 та болалар боғчаси, савдо маркази, нон заводи аҳолига хизмат кўрсатаяпти.

СУРАТЛАРДА: (чапдан ўнгга) монтажчи Н. Тўраев, А. Бойтиллаев, А. Абдуназаров; ГРЭС қурилишида.

Ш. ШАРОПОВ олган суратлар.



• *Ҳиссадорлик жамиятларида*

# ЭРКИН РАҚОБАТДАН СИФАТЛИ МАҲСУЛОТ ЮЗАГА КЕЛАДИ

***Жиззахдаги «Иссиқ нон» ҳиссадорлик жамиятида мулк шакли ўзгарганига бир йилча бўлди. Шу қисқа муддатда ишга муносабат кескин ўзгарди. Бу, аввало, меҳнат интизоми мустаҳкамланганида, моддий манфаатдорлик рағбатида, сифат даражасида намоён бўлаётир. Жамоа аҳли республикамиз ташқарисидан катта маблағ ва машаққат эвазига ташиб келтирилаётган ғаллани ун ва нон маҳсулотларига айлантириб, эл дастурхонига тортиқ қилишда тежамкор бўлишни, нобудгарчиликка йўл қўймасликни биринчи галдаги вазифа деб билмоқда.***

Нон исроф бўлган жойдан барака кетишини улар жуда яхши билишади. Шу боис кундалик иш жараёнида асосий эътибор сифатли нон ишлаб чиқаришга, шу орқали харидорларни кўпайтириб, жамоа кўрадиган соф фойда миқдорини оширишга қаратилаётир. Маъмурият ҳали акциялар сотиб олганича йўқ, лекин шунга қарамай, ўтган вақт мобайнида 750 минг сўмдан зиёд фойда олинди. Унинг қарийб 140 минг сўмига икки қаватли ишлаб чиқариш биноси қуриб битказилди. Ҳозир ускуналар келтирилиб, ўрнатилмоқда. Ҳадемай, бу ерда ўттиз турдаги халқ истеъмоли моллари тайёрланади. Энг муҳими — икки юзга яқин одам қўшимча иш жойлари билан таъминланади. Айни кунларда ҳиссадорлар жамоасида нон маҳсулотларидан ташқари макарон, вермишель, дудланган балиқ, минерал сув ва мева шарбатлари ишлаб чиқариляпти. Тикув ва тўқув цехи ишлаб турибди. Кунига 16-18 тонна ундан хамир қорилиб, нон ёпиляпти. Шартнома асосида хонадонларда тўққизта кичик новвойхона очилган. Айниқса, Шукур Оллоёров, Суннат Ҳайитов, Акбар Сувонқулов каби новвойларнинг донғи вилоятга ёйилди.

Шу кунга қадар харидор ёки ташкилотдан нон пиширувчилар шаънига эътироз билдирилмади. Бунинг сири нимада?

— Буни мен ўз ишига, касбига меҳр қўйиш оқибати деб биламан, — дейди кекса новвой Анвар ака Икромов. — Нега десангиз, шаҳарда биз билан рақобат қилувчи нон заводлари кўпайиб боряпти. Шунинг ўзиёқ усталаримизнинг кўзини очиб, кўпроқ қўл меҳнати талаб қилса-да, уларни сифатли нон ёпишга мажбур қилмоқда.

— Ўттиз йилдирки, шу ердан нон оламиз, — суҳбатга қўшилди Жиззах пахта заводи «Шодлик» болалар боғчасининг омборчиси Н. Манаева. — Ҳиссадорлик жамиятига айлантирилгач, нонннинг сифати янада яхшиланяпти.

Оддий мижознинг фикрини «Иссиқ нон» фирма дўкони мудири Зоиржон Каримовнинг мана бу гаплари ҳам тасдиқлайди:

— Ташкилотлардан келган мижозлар нонни бевосита цехдан олишади. Бизнинг дўконимиз эса шундоққина корхона дарвозаси рўпарасида жойлашган, харидорларга тандирдан эндигина чиққан иссиқ нон сотамиз. Эрталаб соат еттидан кеч тўққизгача уч киши тиним билмаймиз. Битта махсус машина нонни ташиб улгурмайди. Кунига ўртача беш мингтагача нон тарқатилаяпти.

Корхона директори Саид Мансуров суҳбат асносида маҳсулот сифатини яхшилаш, тежамкорликка эришишнинг омиллари ҳақида гапириб берди.

Ҳамма ерда бўлганидек, бу ерда ҳам унни заводдан келтириш учун қоплар етишмаяпти. Бунинг устига қопда ташиш жараёни (ортиш-тушириш, бўшатиш)да ҳар халта ҳисобига 125 грамм ун нобуд бўлаётир. Агар «Иссиқ нон» жамоасида бир ойда 400 тонна ун ишлатилишини ҳисоблasak, бир тонна ун исрофга чиқади. Бу рақам ўн икки ойга кўпайтирилса, йилига эл ризқи бўлган ўн икки тонна ун ҳавога совурилаётгани ойдинлашади. Корхонада бунинг олдини олиш чоралари кўрилди. Цехлар қаршисига тўртта ўн икки, иккита олти тонна сиғимли идиш ўрнатиляпти. Тез кунда ун махсус машиналарда қопсиз ташиб келтирилиб, мана шу «бункер»ларга тўкилади.

Маълумки, ҳозир кўпгина корхоналар кичик ҳажмдаги нонлар ёпишга ўтди. Илгариги 850, 700 граммлик бўлка нонлар ўрнига 600 граммликлари сотувга чиқарилаяпти. Бу корхонада эса шу усулга кичик бир ўзгартиш киритилди. Уч зувала хамирдан бир-бирига ёпиштирилиб уч ўркачли нон пишириш йўлга қўйилди. Оғирлиги 600 грамм, нархи 5 сўм 37 тийин. Шуниси қулайки, харидор талабига қараб, нонннинг бир ёки икки бўлаги осонгина ажратилиб, алоҳида сотилиши ҳам мумкин.

Биз мана шу корхона билан рақобатда бўлган «Жиззах нон» жамоаси уюшмасида ҳам бўлдик. Аммо бу ерда манзара бошқача эди. Биринчидан, завод ярим қувват билан ишлаяпти, 65 тоннага мўлжалланган печларда кунига 30 тонна нон пиширилмоқда. Бироқ мазкур корхона маҳсулотига истеъмолчилар эътирози катта. Бунинг сабабини аниқлаш мақсадида Шароф Рашидов шоҳ кўчасидаги 2 ва шаҳар бозоридаги 1-фирма нон дўконларида бўлдик.

Иккинчи нон дўкони замонавий услубда кенг қилиб қурилган, барча зарур ускуналар билан жиҳозланган. Шундай бўлишига қарамай, сотувчи Ихтиёр Усмонов бир бурчакдан ўзига қулай жой қилиб олибди. Катта залнинг тўртдан уч қисми ҳувиллаб ётибди. Тахлагичларга тахминан ўн мингта нон кетади. Кунига эса атиги 400 тадан 1000 тагача булка сотилаяпти. Дўкон қошида оби нон ёпиладиган цех ҳам бор. Эҳтиёжга қараб кунига 200 атрофида нон чиқарилади, шунинг ҳам 30-40 таси ўтмай қолаяпти. Чунки ҳар донасининг нархи 3 сўм 40 тийин. Бозорда ўн беш-йигирма нафар новвой аёл уйларида пишириб келган шундай нонлардан кунига тўрт мингтасини 2-2,5 сўмдан сотишяпти. Заводникидан ҳам арзон, ҳам сифатли.

Нонни ёмон, дейиш гуноҳ бўлса-да, лекин бир нарсани айтиб ўтишни лозим топдик. Бу дўконда 610 граммлик биринчи навли булка нонлар 3,5 сўмдан сотиляпти. Биринчидан, нонларнинг ташқи кўриниши харидорларни қочиради. Бир хил сиғимдаги қолипларда пиширилган нонларнинг ҳажми турлича, катта-кичик, бир томони дўнг, иккинчи учи паст, айримлари букри, устки қобиғи куйиб қолган. Анча кузатдик, харидорлар танлаб олишаяпти. Сифатсиз нонлар ўз-ўзидан ажралиб қолаяпти.

— Нега тарози йўқ, ҳамма нон бир хил оғирликда эмаслиги кўриниб турибди, мижозлар жанжал қилмаяптими? — сўраймиз Ихтиёрдан.

— Жанжал қилишса, тарози топамиз, лекин оғирлиги бир хил, — жавоб берди сотувчи.

У тарози топиб келгач, тўртта нонни тортиб кўрдик. Иккитаси 550 граммдан, биттаси 600, охиргиси 650 грамм чиқди. Ахир бу харидорни алдаш-ку? Бировнинг олтмиш грамм ҳақи кетяпти, бошқаси қирқ грамм фойда қиляпти.

— Бу бизнинг айбимиз эмас, нимани келтиришса, шуни сотаверамиз, — дейди сотувчи.

У ҳақ, айб заводдагиларда. Ёмон нон ҳеч қачон бўлмайди, уқувсиз новвой бўлиши мумкин.

Бозордаги 1-дўконда ҳам аҳвол шундай. Биз борганимизда дўкон олдида биқинига «Нон» деб ёзилган машина турарди. Нон тушираётган бўлса керак, деб ўйладик. Яқин бориб қарасак, ичкаридан нон опчиқиб ортишаётган экан. 120 дона эзилган, қотган, куйган «брак» нонларни заводга қайтариб юборишди.

Беш-олти мижоз кирса, бурилиб ололмайдиган чоғроққина дўконда уч киши савдо қиляпти.

— Кунига қанча нон кетяпти? — деб сўрадик улардан.

— Тўққиз юздан мингтагача, — жавоб берди ўзини «мудирман» деб таништирган Убайдулла Абдиев.

— Нега шундай, шаҳарнинг энг овлоқ, одам сийрак бўлган жойидаги «Иссиқ нон» дўконида кунига беш мингта нон сотилади, сизларда эса...

— Молига қараб-да, ака!

Сотувчининг шу бир оғиз сўзи «Жиззах нон» заводининг бугунги фаолиятига берилган аниқ баҳодир. Шундай бўлса-да, корхонада иш кетмаяпти, одамлар ишламаяпти, деб айтолмаймиз. Бу ерда ойига 600 ўрнига 720-740 тонна нон пиширилаяпти. Ўтган йилнинг шу муддатига солиштирганда минг тоннадан зиёд нон кўп ёпилди. Рақамлар жуда қувончли, аммо сифат борасида улар ўз рақобатчиларидан анча орқада қолиб кетдилар. Мулк шакли ўзгарса-да, мазмунан ўзгаришлар сезилмаяпти. Корхонанинг бир неча мутахассислари билан суҳбатлашганимизда, улар бунинг ўзига хос сирларини тушунтиришга уриндилар.

Лаборатория мудири Ҳусния Отамуродова ускуналар эскириб кетганлиги, баъзан сифатсиз ун олинаётгани ҳақида гапирди. Бош иқтисодчи Феруза Дўстмуродова, бош ҳисобчи Жўра Ўролов, ишлаб чиқариш бўлими бошлиғи Ҳамроқул Эргашевлар ҳам бу гапни қувватлаш билан бирга, катта қувватга мўлжалланган печларда оз миқдорда нон тайёрланаётгани ҳам сифатга таъсир қилишини айтишди. Таажжуб, «Иссиқ нон» ҳиссадорлик жамияти ҳам «Жиззах нон» жамоа уюшмаси қатори олий ва биринчи навли унни 8-ун комбинатидан, «Ўзбекистон» унини эса 7-ун заводидан олаяпти. Нега уларда сифатли нон ёпилади, буларда эса сифатсиз? Ёки «Жиззах нон» корхонасининг Дўстликдаги филиалини олиб кўрайлик. У ерда шу ундан ажойиб нонлар ёпилаяпти-ку? Худди шу унлардан Бахмал, Ғаллаорол, Зомин туманларида ёпилган нонларни меҳмонлар совға сифатида уйларига олиб кетишаётир.

Бу ерда нон сифатини яхшилаш учун имконият қидириш ўрнига айбни хаспўшлаш ниятида баҳона ахтарилаётгани шундайгина аён бўлган бўлса-да, барибир, кўнгилда ун ишлаб чиқарилаётган тегирмонларни ҳам бориб кўриш истаги туғилди.

8-ун комбинатида элеватордан тегирмонга узатиб берилаётган буғдойни тозалаш, яъни тошини териш, ҳар хил металл ва сим парчаларини ушлаб қолиш, саралаш, ювиш, кепагини ажратиш, элаш ва қоплашгача бўлган жараённи қунт билан кузатдик. Вилоят дон ишлаб чиқариш ассоциацияси раиси Саъдулла Абдуллаев, корхона бош технологи Донабой Турановлар бу ердаги ҳар бир ускунанинг иш тартиби, ўзига хос ўлчов меъёри, иш услуби билан таништиришди. Ишонч ҳосил қилдикки, лойиҳа қуввати 190 тоннага мўлжалланган бу улкан тегирмонда ниҳоятда мураккаб шароитда, 27 йилдан бери ишлатилавериб, «умрини» ўтаган ускуналарда одамлар сиз ва бизнинг эҳтиёжимизни ўйлаб, кунига 213 тоннагача ун тортиб чиқаришаётган экан.

Кўриниб турибдики, тегирмонлардан чиқаётган унларнинг сифати ёмон эмас. «Иссиқ нон» корхонасида шу унлардан сифатли нон ёпилаётган экан, «Жиззах нон» заводида аҳволнинг ўзгармаслиги мумкин эмас.

Бозор иқтисодиёти талаби битта — корхоналар ўртасида рақобат бўлиши керак. Эркин рақобатдан сифатли маҳсулот юзага келади, яхши маҳсулотдан эса эл баҳраманд бўлади, юрт бойийди.

**Ҳайитбой НАБИРАЕВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

• *Сўраган эдингиз*

# ТАВСИЯ ВА ТАКЛИФЛАРИМИЗ ҲУҚУҚИЙ ДАВЛАТИМИЗНИНГ ИЛМИЙ МУЛКИГА АЙЛАНСА, АЖАБМАС...

***Республика «Маънавият ва маърифат» маркази ҳақида кўп эшитамиз, шу марказ фаолияти ҳақида тўларoқ маълумот берсангизлар.***

**М. САНАҚУЛОВ.**
***Жиззах вилояти.***

Ушбу марказ давлат томонидан маблағ билан таъминланадиган, хўжалик ҳисобида иш олиб борадиган ташкилот сифатида шаклланмоқда. У жамоатчилик фикрини ўрганиш асосида маънавият ва маърифат ишларини яхшилашга имкон берадиган тавсияномалар тайёрлаш билан бирга миллий ва умуминсоний қадриятлар бўйича тадқиқот ишлари ҳам олиб боради. Унинг бўлимлари ўз фаолиятини ижтимоий тадқиқотлар ўтказиш, халқимизнинг бой маънавий-маданий меросини ўрганиш, миллат келажагини белгилайдиган илғор ғояларни излаш, халқ таълими, олий ва ўрта махсус таълим тизимини ўрганиш, хорижий мамлакатлардаги маънавият, маърифат жараёнларини, дин, виждон эркинлиги ҳуқуқларини таҳлил қилишга оид масалаларни ўрганиш ва тавсиялар ишлаб чиқишга қаратган. Шундан келиб чиққан ҳолда, марказни мамлакатимиздаги юксак тафаккур соҳибларини, умуман ақлий ва ижодий салоҳиятни бирлаштирадиган маскан десак, хато бўлмайди.

Марказнинг вилоят ва туман бўлимлари ҳам мавжуд. Айни кунда корхоналар, жамоат бирлашмалари ва уюшмалар, ўқув юртлари, билим масканлари, ширкат ҳамда давлат хўжаликларида шу бўлимларнинг таянч нуқталари тузилмоқда. Асосий тадбирлар, тарғибот ишлари кўпроқ шу таянч нуқталари орқали амалга оширилади.

Халқ меросини, маданиятини чуқур ўрганиб, тарғиб қилиш мақсадида хорижий юртлардаги маънавият ва маърифат марказига ўхшаш ташкилот ва муассасалар билан алоқа ўрнатиб, халқаро миқёсда илм ва маданият намояндалари, мутахассислар ҳамда ахборотлар айирбошлашни ташкил этиш ҳам «Маънавият ва маърифат» жамоатчилик маркази вазифаларидан ҳисобланади.

Марказнинг олий органи кенгаш бўлса, унинг қуйи органи бошланғич тармоқлардир. Асосий ишлар бошқарув девони томонидан амалга оширилса ҳам, молиявий харажатлар ва ҳаётга татбиқ этиладиган фикр, ғоя, тавсиялар марказ кенгаши томонидан тасдиқланади. Марказнинг раислари, уларнинг ўринбосарлари ҳамда бошқарув девони кенгаш берган ваколатлар доирасида иш юритади.

Хулоса қилиб айтганда, «Маънавият ва маърифат» маркази улкан вазифаларни амалга ошириб, ўз фаолиятини инсон камолоти равнақига бағишлайди. Келажакда «Маънавият ва маърифат» жамоатчилик марказининг тавсия ва таклифлари ҳуқуқий давлатимизнинг илмий мулкига айланса, ажабмас.

**Зиёдулла ДАВРОНОВ,**
**«Маънавият ва маърифат» марказининг бўлим мудири, фалсафа фанлари номзоди.**

# КОНВЕЙЕРДА ЯНГИ МАҲСУЛОТ

**Андижондаги «Электроаппарат» заводида республикамизда бунёд этилаётган қурилиш объектлари учун тақчил ҳисобланган «ПР-8310» маркали электр шкафлари ишлаб чиқариш ўзлаштирилди.**

Янги маҳсулотнинг дастлабки нусхалари вилоятда қурилиши давом этаётган «ЎзДЭУавто» қўшма корхонасига ҳамда «Антекс-1» ва «Антекс-2» тўқимачилик мажмуаларига жўнатилди. Буюртмачилар янги электр шкафларининг сифатига юқори баҳо бермоқда.

# ЁЗГА ТАЙЁРГАРЛИК ИССИҚ ОВҚАТДАН БОШЛАНДИ

***Оҳангарон туманининг «Ангрен» хўжалиги баҳорги дала ишларига тайёргарликни техника таъмирчилари учун уч маҳал иссиқ овқат ташкил этишдан бошлади. Бундай ғамхўрликдан сўнг ишнинг жадаллашуви ҳақида баҳслашишга ҳожат ҳам йўқ.***

Бу ерда таъмирчилар учун барча шароитлар яратилган. Тракторлар, комбайнлар, озуқа тайёрловчи ва ерга ишлов берувчи барча техникалар тўлиқ таъмирланаяпти. У. Гулмуродов, С. Исмоилов, А. Хайтанов, Ш. Рисбеков каби механизаторлар ўзларига бириктирилган техникаларни муддатидан олдин таъмирдан чиқаришди.

«Ангрен» меҳнаткашлари ҳозир қиш бўлишига қарамай, қуёшли кунлардан фойдаланиб, боғ ва токзор қатор ораларига ишлов беришни бошлаб юборишди.

**Ш. ЖУМАНОВ.**

**Шаҳар марказида жойлашган,**

*катта зали бўлган, 4-5 хонали, 2 та хожатхона, 2 ваннали, яхши ҳолатдаги хусусий уй, ижарага олинади.*

**Телефонлар: 33-82-67, 33-83-57, 33-05-89.**

*Соат 9.00 дан 17.00 гача.*

*• Нуқтаи назар*

# ОЛИМЛИК ҚИСМАТИН ЕЛКАГА ОЛГАНЛАР

**бугун кечаги тафаккур билан яшаб бўлмаслигини англашлари керак**

**Бугун биз улкан ўзгаришлар, халқимиз ҳаётидаги тарихий бурилиш даврида яшамоқдамиз. Мамлакатимиз халқаро ҳамжамиятнинг мустақил субъекти сифатида бутун дунёда тан олинди. Ўзбекистонда янгича иқтисодий-ижтимоий муносабатлар қарор топмоқда. Халқимиз ўзининг буюк келажаги иморатларини тикламоқда.**

Шу ўринда хаёлга ўз-ўзидан баъзи саволлар келади: ана шу жараёнда олимларнинг, Фанлар академияси институтларининг ўрни қаерда бўлиши керак? Давлатимиз равнақи учун ҳозирги ишимиз ва усулларимиз, тадқиқотларимизнинг самараси етарлими?

Албатта, кўпчилик олимлар бу саволларга анъанавий тарзда дарҳол «ўрнимиз олдинги сафда бўлган ва шундай бўляпти», деб жавоб беришлари табиий ва улар кўп жиҳатдан ҳақ.

Дарҳақиқат, Фанлар академиясининг кўпгина илмий-тадқиқот муассасаларида йирик муаммоларни ҳал қилишга қурби етадиган катта илмий-техник потенциал тўпланганки, уларга хорижий давлатларда ҳам ҳавас қилишади.

Лекин, менинг назаримда, биз ана шу илмий-техник потенциалдан ҳали самарали фойдаланаётганимиз йўқ. Афсуски, кейинги йилларда академия раёсати ўз институтларидан узоқлашиб кетганлиги, илмий жараённи яхши бошқармай қўйганлиги бундай ачинарли ҳолнинг бош сабабидир. Оқибатда баъзи илмий-тадқиқот муассасаларининг етакчилари ҳалиям эскича фикрлашдан воз кечаётганлари, ишни бозор муносабатларига мос равишда қайта ташкил этишга муваффақ бўлаётганлари йўқ.

Ҳанузгача боқимандалик, бюджетга кўз тикиб ўтириш кайфияти кучли. Ҳатто «Олаётган моянага яраша самара бераяпманми?», деб ўйлаб кўрмаймиз. «Илм-фаннинг қадри тушиб кетди, олимликнинг обрў-эътибори қолмади», деб кўз ёши тўкиб ўтиргандан кўра, илм кемасига тушган эканмиз, уни моҳирона бошқариб, манзилга эсон-омон етиб олишни ҳам ўрганиш вақти келди.

Фанлар академиясининг 1994 йил декабрь ойида қабул қилинган янги Низоми шу жиҳатдан катта воқеа бўлди. Шуниси эътиборга моликки, Низомда академия институтлари учун катта иқтисодий-молиявий имкониятлар очиб берилган. Низомга мувофиқ, «...Академия ва унинг муассасалари моддий-техникавий ва ижтимоий базасини ривожлантиришга ўз Низомлари асосида хўжалик ишларини ташкил этадилар ва бундай фаолиятдан келган фойдадан мустақил фойдаланиш ҳуқуқига эга» бўлдилар.

Эндиликда академиянинг раёсати ва муассасалари қошида белгиланган тартибда фирмалар, кичик ва қўшма корхоналар, масъулияти чекланган хўжалик ширкатлари ҳамда мулкчиликнинг турли шаклларига асосланган ташкилотларни бирлаштирувчи уюшма ва ассоциациялар ташкил этилиши мумкин.

Бу сатрларни ўқиётган газетхонда «энди олимларимиз ҳам фанни бир чеккага йиғиштириб қўйиб, бизнесга уриб кетар экан-да!» деган савол туғилмаслиги керак.

Академия қошидаги корхоналар, энг биринчи навбатда, олимларимизнинг интеллектуал мулкини моддий шаклга айлантиришга, янги ғояларни тезроқ рўёбга чиқаришга ҳар томонлама ёрдам берадиган корхоналарга айланмоғи зарур.

Масалан, Ўсимлик моддалари кимёси институти аввалги йили қатор доривор моддаларни ишлаб чиқиб, уларни тиббиётда ишлатишга рухсат олишга муваффақ бўлганди. 1993 йилда институт қошида раёсат қарори асосида дорихона очилди. Лекин эски Низом бўйича Фанлар академияси институтида дориларни сотиш ҳуқуқи йўқ эди. Эндиликда бу дорихонада институт дориларини алмаштириб, бошқа давлатлардан олиб келинган дориларни сотишга кенг йўл очилди.

Мазкур институтда ўсимлик моддалари қўшилган доривор совунлар ишлаб чиқарувчи ўзбек-турк қўшма корхонаси — «Ўзкур» мавжуд. Бундан ташқари, қатор чет эл ва ўзбекистонлик тадбиркорлардан ҳар хил йўналишда ҳамкорлик қилиш бўйича таклифлар узлуксиз келиб турибди.

Эндиликда бу йўналишда «оёқдаги кишанлар» олиб ташланди, десак бўлади. Оддий, лекин шу пайтгача ҳал қилинмаган масалалар бошқа институтларда ҳам йиғилиб ётганига шак-шубҳа йўқ.

Жамиятимиз ривожланишини тезлаштирмоқчи бўлсак, фан янгиликларини жорий қилишга дарвозаларни кенг очиб, янги асбоб, янги материал, янги жараённи яратган олимлар ва улар ишлаётган муассасаларнинг олинган даромаддан тегишли улушига эга бўлишини таъминлаш керак.

Бизнингча, гуманитар фанлар соҳасидаги илмий-тадқиқот муассасаларида ҳам кичик корхоналар, фирмалар ташкил қилиш йўли билан бюджетга қарамликни камайтириш мумкин. Тадқиқотлар билан биргаликда институтларда тўпланган археологик, тарихий, этнографик материаллар асосида мамлакатимиз туманлари тарихи ва топонимлари, у ердаги уруғларнинг келиб чиқиши ҳақида илмий-оммабоп рисолалар тайёрланса, жойлардаги раҳбар кадрлар ва тадбиркорлар ҳомийлик қилишса керак.

Масалан, Қўлёзмалар институти ўз фондида сақланаётган, ўтган асрда Бухоро амирининг Туркиядаги элчиси бўлиб ишлаган қоракўллик олим ва дипломат Шайх Сулаймон Бухорий-Қоракўлийнинг машҳур луғатини туман ҳокимлиги билан биргаликда чиқариш мумкинку?! Биринчидан, халқимиз ўз меросидан баҳраманд бўлади, иккинчидан, бу институт учун иқтисодий фойда келтиради.

Мен бу билан бугун-эрта илмий-тадқиқот муассасалари ўзини тўла қоплашга ўта олади ёки ўтиши керак, демоқчи эмасман. Бундай талабни қатъий қўйиш фундаментал фанлар савиясининг пасайиб кетишига олиб келиши мумкин. Лекин бизни боқаётган халқ ўз олимларининг тадқиқотлари қачон — бир йилдами ёки ўн йилдан кейинми қандай самара беришини, маблағлар беҳуда совурилмаётганлигини билишга ҳақлидир.

Бозор иқтисодиётининг қонунлари шундайки, илмий даражаси ва унвонидан, ёшидан қатъи назар, ҳар ким қобилиятига яраша ишлаши ва ишга яраша ҳақ олиши керак.

Ана шу адолатли принципни қарор топтира олсаккина, институтларимиз ва олимларимизнинг савиясини, уларнинг илмий изланишларга бўлган сўнаётган ғайратини оширишимиз мумкин. Айни вақтда институтлар ва олимларнинг илмий режаларини мамлакат манфаатлари нуқтаи назаридан қайта кўриб чиқиш, устивор мавзуларни белгилаш мақсадга мувофиқ бўлади.

Айтилган масалаларни академия тизимидаги институтлар раҳбарларини серғайрат, қалби ёш, билимдон ва тажрибали, янгича шароитда иш юрита оладиган мутахассислар билан мустаҳкамламасдан туриб ҳал қилиш қийин.

Ҳозир академикларнинг ўртача ёши 70 га, илмий-тадқиқот муассасалари раҳбарларининг ўртача ёши ҳам бирор жойга етиб қолди. Уларнинг ҳаммасига барча хизматлари учун минг раҳмату, лекин бу ёшда давр талаблари даражасида елиб-югуриб ишлаш қийинлик қилади.

Агар академиямизнинг тарихига қарасак, илмий мактаблар яратган, халқаро фанда ўз «овози»га эга бўлган фаннинг йирик намояндалари Ҳ. М. Абдуллаев, О. С. Содиқов, С. Ю. Юнусов, Ё. Х. Тўрақулов кабилар академик унвонини 40-55 ёшида олиб, ўз йўналишларига ўн беш-йигирма йил раҳнамо бўлишган ва уни халқаро даражага олиб чиқишган. Шунинг учун академикликка ва мухбир аъзоликка сайланиш ёши 35-55 ёшгача бўлиши айни муддао.

Академик унвони — бу «тахт» эмас, балки фан равнақи учун фидоий бўлиш дегани, сайланган олим яна камида ўн беш-йигирма йил самарали ишлаб бериши керак.

Ҳар даврнинг ўз тартиб-қоидалари, қонунлари бўлади. Олимлик бахти ва қисматини бўйнига олганлар бугун кечаги тафаккур билан яшаб бўлмаслигини яхши англаши керак.

**Х. ОРИПОВ,**
**Ўсимлик моддалари кимёси институти директори, профессор.**


**МАНФААТДОР ШАХСЛАР ДИҚҚАТИГА!**

«ТУРКДИЁР» фирмаси қуйидагиларни энг қисқа муддатда олиб келиб, монтаж қилиб, калитини топширади:

— соатига 400 дан 1500 килогача ун чиқарадиган кичик цех;
— соатига 3000 кило омихта ем тайёрлайдиган кичик цех;
— соатига 600 дан 1000 килогача туз чиқарадиган кичик цех;
— соатига 60 дан 400 граммгача колбаса, салями, сосиска чиқарадиган кичик цех;
— соатига 450 дан 1500 тагача булка чиқарадиган кичик нонвойхона;
— сир (пишлоқ) ва сариёғ тайёрлайдиган ишлаб чиқариш цехи;
— пластик бутилка ва қуйиш цехи;
— ёғ тайёрлайдиган цех.

Мавоза усули қўлланиши мумкин.

**Манзилимиз: Тошкент ш., Буюк Турон кўчаси, 41, 2-қават. «Туркдиёр» фирмаси. Тел.: 33-58-11, 32-57-33, факс: 56-82-77.**

**ТАШКИЛОТ ЧЕКЛАНМАГАН МИҚДОРДА ЮВИЛМАГАН ЖУН ҚАБУЛ ҚИЛАДИ:**

Ингичка меринос
Тиниқ ярим дағал
Ангор эчкиси жуни

Жун (ингичка меринос, тиниқ ярим дағал ва ангор нави) етиштирувчи хўжаликлар билан 1995 йил мавсуми учун 50 фоиз ҳақини олдиндан тўлаш шарти билан шартнома тузишимиз мумкин.

Пул ўтказиш йўли билан ҳисоб-китоб қилинади.
Мавоза усулини қўллаш мумкин.
Маълумот учун телефонлар:
33-13-78, 32-30-37.

**Тиббиёт ташкилотлари раҳбарлари диққатига !**

**Корхона Тошкентдаги омборхонасидан аёлларнинг пахмоқ ва ип-газламадан тикилган, уйда, ишхонада ва касалхонада кийишга мўлжалланган халатларини ва тунлик ич кийимларини таннархлар баҳосида сотади.**

**Ҳисоб пул ўтказиш йўли билан.**
**Тел.: 58-39-48.**


Ўзбекистон Республикаси Давлат саноат ишлари хавфсизлиги ва тоғ-кон назорати қўмитасининг жамоаси вилоятлараро газ саноатини назорат қилиш бўйича инспекциянинг давлат инспектори Нодир Саидовга волидаи муҳтарамаси
**Ёқутхон САИДОВАнинг**
вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

«Ўзтадбиркорбанк» жамоаси банк ходими Эргаш Хўжабековга волидаи муҳтарамалари
**Норхолой ЁРҚУЛОВАнинг**
вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Тошкент давлат иқтисодиёт университети ректорати ва жамоат ташкилотлари мазкур университетнинг Урганч филиали директори профессор О. Машариповга волидаи муҳтарамаси
**Ёқутжон МАТЧАНОВАнинг**
вафот этганлиги муносабати билан чуқур ҳамдардлик изҳор этади.


***ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ "ТАДБИРКОР" АКЦИОНЕР–ТИЖОРАТ БАНКИ***
***Акциядорларнинг умумий йиғилишини ўтказади***
***КУН ТАРТИБИ:***

1. "Ўзтадбиркорбанк"нинг 1994 йилги иш якунлари ва Ўзбекистон Республикаси Президенти И. Каримов банклар олдига қўйган вазифалар юзасидан 1995 йилги фаолиятнинг асосий йуналишлари тўғрисида.
2. Банкнинг 1994 йилги даромадлари баланси ва ҳисоботини тасдиқлаш.
3. Тафтиш комиссияси ҳисоботини тасдиқлаш.
4. Банк Уставига киритиладиган ўзгариш ва қўшимчалар ҳақида.
5. Банк кенгашининг таркиби тўғрисида.
6. Тафтиш комиссиясининг таркиби ҳақида.

*Йиғилиш 1995 йилнинг 11 март куни 11.00 да "Ўзбектуризм" нинг катта залида ўтказилади. Анжуман қатнашчилари Тошкент шаҳрига 1995 йил 10 март куни келадилар ва "Ўзбекистон" меҳмонхонасига жойлашадилар.*

*Қатнашчилар 1995 йил 11 март соат 8.30 дан 9.45 гача "Ўзбектуризм" катта зали йўлагида рўйхатга олинади.*

*(Тошкент шаҳри, Хоразм кўчаси, 47-уй, "Ўзбектуризм" миллий компанияси).*

**Қўшимча маълумот олиш учун телефонлар: 33-18-75, 33-76-36.**

**АЗИЗ ТАЪСИСЧИ ВА АКЦИЯДОРЛАР !**

*Анжуманни тайёрлаш ва ўтказишда фаол иштирок этишингизни сўраймиз. Йиғилиш кун тартибига қўйилган масалалар, "Ўзтадбиркорбанк" фаолиятини такомиллаштиришхусусидаги аниқ таклиф ва мулоҳазаларингизни қуйидаги манзилга йўллашингизни сўраймиз:*

***Тошкент - 700047, С. Азимов кўчаси, 52а, "Ўзтадбиркорбанк".***

*"ЎЗТАДБИРКОРБАНК" БОШҚАРУВИ.*

PATENT SERVIS

**МАҚСАД**

- интеллектуаль /ақлий/ мулкка – муҳофаза варақаси;
- бозорни шакллантириш, интеллектуаль мулк биржасини ташкил этиш;
- инновацияга кўмаклашиш.

**ҚАРОР**

- интеллектуаль мулкдан фойдаланиш ҳуқуқига эга бўлиш ва амалга ошириш;
- патент ишлари сифатини кафолатлаш;
- интеллектуаль мулк ҳуқуқини олган ишончли жисмоний ва юридик, шу жумладан хорижий шахсларга патент хизмати;
- интеллектуаль мулкни суғурта қилиш;
- дизайнерлик хизмати мажмуи.

**Манзил:**
***Ўзбекистон Республикаси, 700047, Тошкент, Фучук кўчаси, 2а.***
**Телефонлар:** *32-03-69, 32-04-69.*
**Факс:** */3712/ 33-45-56.*
**Телекс:** *116509 Дидал RU.*


## ЭШИТМАДИМ ДЕМАНГЛАР

### ЎЗИНИКИНИ ЎЗИГА

***Марказий универмаг ёнида «халқпарвар» газета сотувчи пайдо бўлди. У ўз молини баҳслашмай, ярим баҳосига пуллаётганидан одамлар хурсанд. Боз устига одамлар аёлга раҳмат айтиб, хат ташувчиларни дангасаликда айблаб сўкиб кетишарди.***

Ирбит шаҳридаги уйларда ўрнатилган почта қутисидан эгалари газета топишолмай ҳайрон. Орани очиқ қилишга тўғри келди. Хат ташувчи келтирганини, газетхонлар эса олишмаганини исботлашга ўтишди. Натижа чиқмади, биргаликда кузатиб ўғрини тутишди. Ҳеч ерда ишламайдиган ўша «халқпарвар» сотувчи аёл почтальондан сўнг, бир зумда ҳамма газетани йиғиб оларкан.

### «ҚОРҚИЗ»НИ ЭРИ ҚУТҚАРДИ

***Уфалик аёл эгнида чит халату оёғида калиш билан 20 даража совуқда ярим соат турди.***

Туғилган кунини нишонлашга келадиган меҳмонларни чучвара билан сийлашни ният қилди. Бир қисмини тугиб бўлгач, совуқроқ жойда сақлаш учун балконга олиб чиққанди, шамол эшикни ёпиб қўйди. Қанча уринмасин уйга киролмади. Бу муддат ичида сочларига қиров қўниб, «Қорқиз»га ўхшаб қолди. Бечоранинг бахти бор экан, эри ишдан вақтлироқ қайтди, эшикни очганда хотини тошдек қотиб турарди. «Тез ёрдам»га мурожаат қилишга тўғри келди.

### СУД СОБИҚ ПРЕЗИДЕНТ ТАЛАБИНИ ҚОНДИРДИ

***М. Горбачев уйни, А. Разин 18 миллион рублни олди.***

Ставрополь ўлкасидаги Приволное қишлоғида собиқ СССРнинг собиқ Президенти М. Горбачевнинг онаси яшарди. Боғи, замонавий хоналари бўлган уйлари ҳам бор эди. Етти йилча давлат тепасида турган Михаил Сергеевичнинг шу муддат ичида қишлоғига ташриф буюриши хаёлига келмабди. Кампир эса боғу уй хароб бўлмасин деб, эстрада қўшиқчиси Андрей Разиннинг сотиб олиш ҳақидаги таклифига рози бўлди. Красногвардейск туман суди собиқ Президентнинг талабини қондириб, пулни қайтиб бериш ҳақида қарор чиқарди.

### КЎЧА ТАСОДИФЛАРГА ТЎЛА

***Мол ҳалол бўлса, эгасига насиб қилади.***

Нефтюганск шаҳар унверсами сотувчисига ярим баҳосига мол таклиф қилишди. Дўкондор сотилаётган тикув машинасини кўрди-ю, ранги оқариб кетди. Ахир у ўзиники эди-да. Ишга кетишидан олдин шу машинада халатининг сўкилган чокини тикиб олувди. Ёпирай, орадан ярим соат ўтмай, ўғрилар уни ўзига пулламоқчи бўлишибди-я. Ҳуқуқ посбонлари адолатни тиклашди. Бошқа ўмарилган нарсалар ҳам эгасига қайтарилди.

### ШОШМАНГ, УЛГУРАСИЗ, ЧУНКИ БОРАДИГАН БОШҚА ЖОЙИНГИЗ ЙЎҚ

***Ереванлик нафақахўр ўзи учун тобут сотиб олди.***

У бундан кейин топган-тутганини беҳуда сарфламасликка аҳд қилди. Нарх-навонинг ошиб кетаётганлигидан ташвишланиб тобутни ўраш учун газламаю чойшаб ҳам топди. Ҳозир у кунлар сал илишини сабрсизлик билан кутаяпти. Нариги дунёда гўрков тайёрлаган лаҳадга эмас, ўзи кавлаган гўрга ётмоқчи.

### ТУШМИ, ЎНГМИ?

***Санкт-Петербург милицияси вакиллари Швециядаги ахлоқ тузатиш колонияларидаги камераларида телевизор, кондиционерлар қўйилганини кўриб, ҳанг-манг бўлиб қолишди.***

Ҳамманинг хаёлидан «ахир бу қамоқхона эмас, санаторий-ку» деган фикр кечди. Шведлар бу нарсалар қайта тарбиялаш жараёнини қанчалик осонлаштиришини жон куйдириб уқтиришди. Питер зиндонларида бир соатгина бўлсаям ўтирмаган швед жиноятчиси қамоқ нималигини тушида ҳам кўрмаса керак.

### БАРИБИР ТИРИЛМАДИ

***Деҳлилик Камлеш Кумар эри ўлгандан сўнг, тирилиб қолар, деган хаёл билан мурдани 20 ой уйида асради.***

Болаларга бу сирни бирор кимсага «гуллаб» қўймасликларини қатъий тайин қилди. Ўзи эса ҳар куни устига чойшаб ёпилган мурдадан хабар олиш учун айвонга бир неча бор чиқиб турди. Эрига жон ато этишини сўраб, яратганга соатлаб илтижо қилди. Барибир нафи тегмади. Кимдир бу ҳақда полицияга қўнғироқ қилгандан сўнг сир фош бўлди.

### ИТ ТЕЛПАК БЎЛДИ

***Ваня амакининг ит терисидан тиккан телпаклари харидоргир чиқди.***

Ҳозирча хомашё бисёр ҳам арзон. Ким ит тутиб келтирса, Ваня амаки шу заҳоти битта арақ қўяди. Фрол қишлоғи (Перм атрофи)да устага дастёрлик қилувчиларнинг сони тобора ошиб бормоқда. Ҳозир шу теварақда фақат дайди итлар эмас, уйдагилари ҳам изсиз йўқолаяпти. Ваня амаки эса «итлар мактаб ўқувчиларини қўрқитиб, қўлларидаги булочкаларини олиб қўяётганидан ташвишланиб шу ишга қўл урдим», деяпти.




ХАЛҚ СЎЗИ • НАРОДНОЕ СЛОВО

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши Раёсати ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир:
Анвар ЖЎРАБОЕВ.

• БЎЛИМЛАР:
*Парламент 33-57-34;*
*Хатлар 33-07-48;*
*Қишлоқ хўжалиги 32-07-94;*
*Иқтисодиёт 32-36-65;*
*Маънавият 32-35-60;*
*Ахборот 32-29-89;*
*Тунги муҳарририят 33-10-28.*

• МАНЗИЛИМИЗ:
700000, ГСП
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 19-уй.

Навбатчи муҳаррир — И. Ўтбосаров.
Навбатчи — Ш. Мутаҳҳархон ўғли.

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 0001 Буюртма Г. — 0067 50908 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2

«Шарқ» нашриёт матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили «Буюк Турон» кўчаси, 41. Газета IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. Босишга топшириш вақти—21.00 Босишга топширилди — 21.00. 1 2 3 4 5 6